

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА
МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

743 Ҳарбий хизматчилар орасидан пенсионерларни олий ҳарбий таълим муассасаларининг илмий ходимлари ва ўқитувчилари лавозимларига ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
24 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2901*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПФ–4960-сон «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари пенсионерларини ижтимоий ҳимоя қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ҳарбий хизматчилар орасидан пенсионерларни олий ҳарбий таълим муассасаларининг илмий ходимлари ва ўқитувчилари лавозимларига ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловаға мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға киради.

Мудофаа вазири

К. БЕРДИЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 23 июнь,
19-сон

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

А. АБДУХАКИМОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 23 июнь,
17-Қ/Қ-сон

Молия вазири

Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 23 июнь,
90-сон

Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа вазирлиги, Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия
вазирлигининг 2017 йил 23 июндаги
19, 17-Қ/Қ ва 90-сон қарорига
ИЛОВА

**Ҳарбий хизматчилар орасидан пенсионерларни олий
ҳарбий таълим муассасаларининг илмий ходимлари ва
ўқитувчилари лавозимларига ишга қабул қилиш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПФ-4960-сон «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари пенсионерларини ижтимоий ҳимоя қилишни янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сон «Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ ҳарбий хизматчилар орасидан пенсионерларни (бундан буён матнда пенсионерлар деб юритилади) олий ҳарбий таълим муассасаларининг илмий ходимлари ва ўқитувчилари лавозимларига ишга қабул қилиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом талаблари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларига (бундан буён матнда олий ҳарбий таълим муассасалари деб юритилади) татбиқ этилади.
2. Пенсионерларни ишга қабул қилиш уларни ёшларни ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат ва содиқлик руҳида тарбиялаш жараёнига янада кенгрок жалб этиш мақсадида амалга оширилади.
3. Ишга қабул қилинадиган пенсионерлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари орасидан танлаб олинади.

**2-боб. Олий ҳарбий таълим муассасаларининг илмий
ходимлари ва ўқитувчилари лавозимларига ишга қабул қилиш**

4. Тегишли маълумотга, касбий тайёргарликка ва юксак ахлоқий сифат-

ларга эга бўлган шахслар олий ҳарбий таълим муассасаларида педагогик фаолият билан шуғулланиши мумкин.

5. Олий ҳарбий таълим муассасаларининг илмий ходимлари ва ўқитувчилари лавозимларига ишга қабул қилишда илмий даража ва илмий унвонга ҳамда чуқур касбий билим ва тажрибага эга бўлган номзодларга устунлик берилади.

6. Пенсионерлар олий ҳарбий таълим муассасаларининг илмий ходимлари ва ўқитувчилари лавозимларига Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда танлаб олинади.

7. Олий ҳарбий таълим муассасаларининг илмий ходимлари ва ўқитувчилари лавозимларига танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган пенсионерлар танлов эълон қилинган кундан эътиборан бир ой муддат ичида олий ҳарбий таълим муассасасига қуйидаги ҳужжатларни топшириши лозим:

ариза;

паспорт нусхаси;

пенсия гувоҳномаси нусхаси;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги ҳарбий хизматчининг гувоҳномаси;

белгиланган шаклда тўлдирилган сўровнома;

таржимаи ҳол;

олий маълумот тўғрисидаги дипломининг нусхаси;

меҳнат дафтарчаси (мавжуд бўлса);

тегишли илмий даражаси ҳақидаги дипломнинг нусхаси (мавжуд бўлса);

тегишли илмий унвони ҳақидаги аттестатнинг нусхаси (мавжуд бўлса);

илмий ишлар рўйхати (мавжуд бўлса);

илмий ишлар ҳамда ихтироларга тегишли ҳужжатлар ва бошқа муаллифлик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси (мавжуд бўлса).

8. Пенсионерлар олий ҳарбий таълим муассасаларининг илмий ходимлари ва ўқитувчилари лавозимларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олий ҳарбий таълим муассасаларининг раҳбари томонидан тайинланади.

3-боб. Яқуний қоида

9. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.